
АСАДХЎЖА МЎЙДИНХЎЖАЕВ ТАИЛАНДДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ХАЛҚАРО БОКС АССОЦИАЦИЯСИНИНГ (ІВА) "ЧЕМПИОНЛАР ОҚШОМИ"; ТУРНИРИДА РИНГГА КЎТАРИЛАДИ

15 июль куни Таиланднинг Пукет шаҳрида бокс бўйича "Чемпионлар оқшоми" турнири ташкил этилади. Профессионал бокс қоидаларига кўра ўтадиган еттита жангда дунёнинг энг кучли боксчилари (аёллар иккита вазнда ва эркеклар бешта вазнда) чемпионлар чемпиони бўлиш учун беллашадилар. Жанглар 3 дақиқадан 5 раунд давом этади.

Ўзбекистон, Куба, Қозоғистон, Россия, Испания каби мамлакатларнинг чарм қўлқоп усталари иштирок этадиган турнирда уч нафар ўзбек боксчиси, шу жумладан, Фарғона вилояти вакили, ришонлик жаҳон чемпиони Асадхўжа Мўйдинхўжаев ҳам рингга чиқади. Асадхўжага қозоғистонлик чарм қўлқоп устаси, жаҳон чемпионати кумуш медали соҳиби Дулат Бекбауов рақиб бўлади. Юртимиз боксчиларидан Олимпиада ва жаҳон чемпиони Ҳасанбой Дўсматов ҳамда ЖЧ иштирокчиси, бир қатор халқаро турнирлар ғолиби Мужибилло Турсунов ҳам иштирокчилар қаторидан ўрин олишган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-07-05 17:10:42